

ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 16 (1027) • 2015-yil, 10-aprel, juma

ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаklar билдирилган қутловлар келмоқда.

Жумладан:
Бирлашган Араб Амирликлари
Президенти

— Шайх Халифа
бин Зоид Ол Наҳаён

Бирлашган Араб Амирликлари
Қуролли Қучлари
Бош қўмондони ўринбосари,
Абу Дабӣ Амирлиги Валиаҳди

— Шайх Муҳаммад
бин Зоид Ол Наҳаён

Бирлашган Араб Амирликлари
Бош вазири ўринбосари,
ички ишлар вазири

— Шайх Сайф
бин Зоид Ол Наҳаён

Мароқаш Қироли
Қувайт Давлати Валиаҳди

— Муҳаммад VI
— Навоф ал-Аҳмад
ал-Жобир ас-Сабоҳ

Швейцария Конфедерацияси
Федерал Президенти
Словакия Республикаси
Президенти

— Симонетта Соммаруга

— Андрей Киска

Корея Халқ Демократик
Республикаси Олий Халқ
Мажлиси Президиумининг Раиси

— Ким Ен Нам

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти
Бош котиби

— Дмитрий Мезенцев

Ислам ҳамкорлик ташкилоти
Бош котиби

— Иёд бин Амин Мадани

Туркистон-Америка
ассоциацияси раиси

— Абдулла Хўжа

Корея халқаро ҳамкорлик
агентлиги (KOICA) президенти

— Ким Ёнг Мок

Халқаро қиличбозлик
федерацияси президенти

— Алишер Усмонов

«Марубени Корпорейшн»
президенти ва бош директори,
бошқаруви аъзоси

— Фумия Кокубу

«Марубени Корпорейшн»
корпоратив маслаҳатчиси

— Мамору Секияма

Германия-Ўзбекистон
ишбилармонлик кенгаши раиси,
«КЛААС» концерни

— Ян-Хендрик Мор

«Пиканол» компанияси
бош ижрочи директори

— Люк Так

табрик йўллаган.

Қутловлар келиши давом этмоқда.



6 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида бўлиб ўтган мажлисда шу йил 29 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижалари эълон қилинди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ЯҚУНЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти изчил ривожланиб бораётган мамлакатимиз келажаги учун улкан тарихий аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Сайлов фуқароларимизнинг юксак ҳуқуқий маданияти ва сиёсий фаоллиги юқорилигини, халқимиз мамлакатимизда босқичма-босқич амалга ошириладиган ислохотларни қўллаб-қувватлашини яна бир бор намоён этди.

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан келган баённомаларга асосан 29 март куни бўлиб ўтган Президент сайловида сайловчилар рўйхатига киритилган 20 миллион 798 минг 52 фуқародан 18 миллион 942 минг 349 нафари иштирок этганини аниқлади. Бу сайлов-

чиларнинг 91,08 фоизини ташкил этди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод этиб кўрсатилган Ислам Абдуганиевич Каримовга сайловчиларнинг 17 миллион 122 минг 597 нафари ёки 90,39 фоизи, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан кўрсатилган номзод Акмал Холматович Саидовга 582 минг 688 нафари ёки 3,08 фоизи, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзод Хотамжон Абдураҳмонович Кетмоновга 552 минг 309 нафари ёки 2,92 фоизи, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Наримон Мажитович Умаровга 389 минг 24 нафари ёки 2,05 фоизи овоз берди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республика-

си Конституциясининг 90, 117-моддалари, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 14, 35, 36-моддалари ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонуннинг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ислам Абдуганиевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланди, деб ҳисоблаш ҳақида қарор қабул қилди.

Мажлисда Президент сайлови Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунларга мувофиқ, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ҳуқуқи таъминланган ва умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш

принципларига риоя этилган ҳолда ўтказилгани таъкидланди.

Сайловда дунёнинг 43 давлати ва бешта халқаро ташкилот — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстилиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислам ҳамкорлиги ташкилотидан 299 қузатувчининг иштирок этгани ҳам сайлов кампанияси демократик, очиқ ва ошқора ўтганлигидан ёрқин далolatдир. Сайлов жараёни, шунингдек, сиёсий партияларнинг 35 мингдан ортиқ вакили қузатиб борди.

Сайловнинг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари ҳам муҳим ўрин тутди. Президент сайловини мамлакат-

мизнинг қарийб 600 ва 180 дан зиёд хорижий оммавий ахборот воситалари, 180 га яқин хорижий ва миллий интернет-нашр ёритиб борди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича республика матбуот маркази ва худудий матбуот марказлари томонидан 980 нафардан ортиқ маҳаллий ва чет эллик журналист иштирокида сайлов кампаниясининг муҳим босқичларига бағишланган етмишдан зиёд матбуот анжуманлари ва брифинглар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ва сайлов жараёни ҳақида 12,7 мингдан ортиқ мақола ва ахборот материаллари чоп этилди, теле ва радиозашиштириллар эфирга узатилди.

М.МАМЕТОВА,
ЎЗА муҳбири

Буюк аждодимизга ЭҲТИРОМ

9 апрель — Амир Темур таваллуди куни



Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Соҳибқирон Амир Темур хотирасини эъзозлаш, ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганиш, тарғиб этишга доимо алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Анъанага кўра 9 апрель куни пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбонида Соҳибқирон таваллудининг 679 йиллиги муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда ёзувчи ва шоирлар, олимлар, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

2 >

Истиқлол йилларида ўзбек давлатчилиги тарихини такомиллаштиришга улкан ҳисса қўшган буюк бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темур салтанатининг, шахсининг маънавий-ҳуқуқий ва сиёсий қарашларини ўрганиш ҳамда дунё бўйича кенг оммалаштириш борисада қатор ишлар амалга оширилди.

2 >

Умид ниҳоллари

Ҳар куни ишга бораётганда Чилонзор туманидаги 43-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ёнидан ўтаман. Шу боис, дарвоза пештоқи-га ёзиб қўйилган лавҳа ёд бўлиб кетган: «Бугунги муҳлис эртанги спортчи, бугунги спортчи — бўлажак чемпиондир!». Эътиборимни тортган яна бир жиҳати, мажмуадан эрта-ю кеч, ҳатто дам олиш кунлари ҳам ёш спортчилар қадами узилмайди. Ўқувчи-ёшлар, ота-оналар ва мураббийлар билан гавжум бўлади.



5 >

Ҳар куни спорт машғулотлари, турли мусобақалар ўтказилади. Қизиқиш устун келиб, футбол майдонидан түп тепаётган болаларни, теннис коп-токчасини бир-бирига чаққон узатаётган қизларни қузатаман. Фарзандларидан спортга қизиқиш уйғотиш, шу аснода спорт уларнинг ҳаёти давомида доимий ҳамроҳ бўлиб қолишига эришиш мақсадида жажжи кичкинтойларни қўлидан етаклаб, тўғрақ машғулотларига олиб келаётган ота-оналарга ҳавас билан қарайман.

MAN JV MAN Auto-uzbekistan

Assembly Facility

Автомобилсозлик

«JV MAN Avto-Uzbekistan» — тараққиётнинг ўзбек моделига мос

Иқтисодийнинг жонли барометри бўлган статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, Самарқанд вилоят саноатида автомобилсозлик тармоғининг улуши салкам 20 фоизни ташкил этаётганлигини кўриш мумкин. Бу вилоятда замонавий соҳа ҳисобланган автомобилсозлик саноати жадал суръатлар билан ривожланиётганлиги ва ислохотларнинг ўзбекино модели афзалликларини намоён этаётганлигининг яққол тасдиғидир.

3 >

Буюк аждодимизга эҳтиром

Давом. Бошқ. 1-бетдан

Халқаро Амир Темури хайрия жамғармаси раиси Н.Ҳабибуллаев, тарих фанлари доктори Д.Юсупова, шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, халқаро гроссмейстер Н.Мўминова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида маънавиятни юксалтириш йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар жараёнида Амир Темури мероси шижоат, мардлик ва адолат намунаси сифатида кадр ва эъзоз топаётганини таъкидлади. Бинобарин, Соҳибқирон кудратли давлат асосчиси, илм-фан, маданият ва маънавият хомийси, дунё цивилизациясига бекиёс хисса қўшган буюк бунёдкордир.

Амир Темури ва теуриларнинг давлатчилик, илм-фан, маданият, бунёдкорлик, бошқа соҳалардаги улкан ва бой меросини ўрганишга қизиқиш жаҳон миқёсида тобора ортиб бормоқда. Юртимизда ва хорижда теуриларнинг дунё цивилизацияси равангага қўшган улкан хиссасига оид кўплаб асарлар яратилмоқда, илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Булар Соҳибқирон шахсияти ва уни етиштирган замин, тарихий шарт-шароитга доир янги-янги қирраларни кашф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган хиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темури сиймосини эслаши керак. Бобокалонимизнинг кудратли давлат, адолатли жамият барпо этиш, ўзаро ҳамжихатлик, бағрикенглик, барқарорлик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини таъминлашга оид эзгу тамойиллари бугун Ватанимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг асосий мезонига айланган.

Соҳибқирон ўз тузуқларида "Раянат аҳволдан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим. Хар ернинг табиати, хар эл ва шахарнинг расму одатлари, мизожидан воқиф бўлиб турдим. Хар бир ўлка ва шахар аҳлининг ашроф-улуғлари билан дўст тутиндим", яна бир ўринда "ақлли кишилар ва кенгаш соҳиблари, эҳтиёткор, қатъиятли арбоблар, кейинини ўйлаб, олисни кўриб иш юритувчи кекса ва тажрибали кишиларни хос мажлисимга киритиб, уларнинг сўхбатларидан, ишларидан наф олиб, тажрибалар ҳосил қилардим", деб қайд этади. Бу "Куч — адолатда" шиорига амал қилинган буюк салтанатда инсон ва унинг шаъну шавкати олий қадрият сифатида юксак баҳоланганидан далолат беради.

Буюк бобомиз фаолияти, ўгитлари бугун ҳам бизга дастурил-амал бўлиб хизмат қилмоқда. Юртбошимиз раҳнамолигида инсонни улуғлаш, барча соҳада адолат тамойилига амал қилиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг юксак самаралари бунга яққол далилдир. Зеро, Соҳибқирон меросини чуқур ўрганиш, тарғиб қилишдан асосий мақсад ҳам ана шу эзгу ниятлардир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Кексаларни эъзозлаш йили, деб номланган жорий йилда бу борадаги хайрли ишлар янада кенг тус олган. Хар бир инсонга, хусусан, ёши улуғ кишиларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, нуруний ота-хону онахонларни рози қилиб, уларнинг дуою маслаҳатларини олиш ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотларда янада ёрқин намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов Амир Темури моно-логини, ёш шиор Фахриддин Ҳайит Соҳибқиронга бағишланган шеърини ўқиб берди.

Тадбир қатнашчилари Амир Темури хайкали пойига гуллар қўйди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов иштирок этди.

Шу куни Теурилар тарихи давлат музейида "Амир Темури даврида илм-фан ва маданият ривожининг умумбашарий аҳамияти" мавзусида илмий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда "Амир Темури — ёш рассомлар нигоҳида" кўрик-танлови ғолиблари тақдирланди. "Шоҳруҳия — Теурилар даври бунёдкорлиги ёдгорлиги" кўргазмаси ташкил этилди.

Амир Темури таваллудининг 679 йиллигига бағишланган тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

Дилшод КАРИМОВ, ЎЗА мухбири



Давом. Бошқ. 1-бетдан

Тарихга назар соладиган бўлсак, Амир Темури салтанатда жорий этилган бошқарув асослари ўз даврида нафақат мамлакат фуқароларининг манфаатлари ва фаровонлиги учун хизмат қилгани, балки ғарб ва шарқ давлатлари ўртасидаги дўстона муносабатлар, халқаро ҳаётнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий барқарорлиги, ривожига ҳам самарали таъсир кўрсатгани равшан бўлади.

Теурилар тарихи давлат музейида Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши, партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Қодир Жўраев. — Ушбу шиор Амир Темури бунёд этган 27 та давлатни бирлаштирган марказлашган давлат ҳудудида ахлоқий ва маънавий меҳорлигида ташкил этилган "Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони" мавзусидаги давра сўхбати Амир Темури таваллудининг 679 йиллигига бағишланди.

Тадбирда сўз олган иштирокчилар буюк саркарда, давлат мулкини, бобокалонимиз Амир Темурининг давлат бошқарувидаги адолатпарварлик, инсонпарварлик, бунёдкорлик

ғояларини ёш авлод онгу шуурига синдириш, унинг дунё цивилизацияси ривожига қўшган хиссаси, бекиёс хизматлари ҳақида ёшларнинг хабардорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эгаллигини қайд этишди.

— Буюк Соҳибқирон бобомизнинг "Куч — адолатда" деган ҳикматли шиори неча аср, давр ўтганига қарамай, бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини намоён этаверади, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Қодир Жўраев. — Ушбу шиор Амир Темури бунёд этган 27 та давлатни бирлаштирган марказлашган давлат ҳудудида ахлоқий ва маънавий меҳорлигида ташкил этилган "Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони" мавзусидаги давра сўхбати Амир Темури таваллудининг 679 йиллигига бағишланди.

Тадбирда сўз олган иштирокчилар буюк саркарда, давлат мулкини, бобокалонимиз Амир Темурининг давлат бошқарувидаги адолатпарварлик, инсонпарварлик, бунёдкорлик

авлодга кенг тарғиб қилишда бизнинг партиямиз янада фаол бўлмоғи мақсадга мувофиқдир.

Тадбирда Амир Темури ҳукмронлиги даврида мамлакатда



Адолатнинг мангу сабоғи

Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах вилояти кенгаши ва шаҳар партия кенгаши томонидан Соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 679 йиллигига бағишланган Жиззах политехника институти қошидаги академик лицейда тадбир ўтказилди.

Тадбирда Жиззах шаҳар партия кенгаши раиси Ўткир Жуманов буюк аждодимиз Амир Темурининг инсоният тарихида тугган ўрни ҳақида батафсил сўз юритди. Иштирокчилар Соҳибқирон бобокалонимизнинг ҳаёти ва амалга оширган улуғ ишлари хусусида гурури ва ифтихор билан фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар. Шунингдек, ёш авлоднинг Ватанга чексиз муҳаббат, юртга садоқат руҳида, мард ва жасур, маънан баркамол қилиб тарбиялашда

буюк аждодларимизнинг ёрқин ҳаёти, улуғ ишлари бебаҳо ибрат бўлаётганини чуқур эътироф қилдилар.

"Адолат" СДП Жиззах вилояти кенгаши раиси ўринбосари Дилдора Жўраева ўз сўзида Амир Темурининг "Куч — адолатда" деган ҳикматга доим амал қилгани, бу буюк ҳикмат сиёсий партиямизнинг фаолият мазмуни билан ҳамохан эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Шундан сўнг академик лицейнинг ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси ўқитувчиси Отабек Камолов йиғилганларга Амир Темурининг ўгитларидан намуналар ўқиб берди.

Тадбирда фаол иштирок этган бир гуруҳ ёшларга партиясининг эсдалик совғалари топширилди.

Жасур ҚАРШИЕВ, Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах вилояти кенгаши матбуот котиби

Давлат мулкини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари тақомиллаштирилмоқда

Депутат минбари

Мамлакатимизда изчил давом этаётган ислохотларда хусусий мулк институтини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш билан бирга давлат мулкини бошқаришнинг аниқ йўналтирилган ҳуқуқий асосини яратиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирда давлат мулки билан боғлиқ муносабатлар республикамиз Конституцияси ҳамда Фуқаролик, Ер, Солиқ, Ҳў-жой кодекслари, шунингдек, бир қатор қонунлар билан тартибга солинган. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда амалда бўлган норматив-меъёрий ҳужжатлар давлат мулки билан боғлиқ муносабатларнинг барча жиҳатларини қамраб олмаган.

Хусусан, давлат мулкини бошқариш тизимини ташкил этишда муҳим ҳисобланган у ёки бу давлат мулки объектларини давлат ихтиёрида сақлаб қолиш зарурлиги, давлат корхоналари, муассасалари, давлат бошқаруви органлари ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси талаблари асосида ишлаб чиқилган "Давлат мулкини бошқариш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси-

ни эса соҳадаги бир қатор муаммоларнинг ҳуқуқий ечимига қаратилган муҳим ҳужжат дейиш мумкин.

Бугунги кунда мазкур қонун лойиҳасини Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида тегишли давлат бошқаруви органлари мутахассислари, экспертлар, олимлар иштирокида ишчи гуруҳи томонидан иккинчи ўқишга киритиш бўйича ишлар олиб боришмоқда.

Асосий мақсади давлат мулкини бошқариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳасида давлат мулки, давлат улуши, давлат мулкини бошқариш, давлат унитар корхонаси ва муассасаси каби ту-

шунчаларга аниқ таъриф берилмоқда.

Давлат мулкини бошқаришнинг қонунийлик, очиклик ва ошқоралик, холислик ва адолатлилик, давлат мулки ва хусусий мулкнинг қонун олдида тенглиги, стратегик ва иқтисодий асосланган ҳажмдаги давлат мулкини сақлаш, давлат мулкини хусусийлаштириш зарурати пайдо бўлган пайтда хусусий мулкнинг дахлсизлиги ва рақобатни чеклашга йўл қўйилмаслиги каби асосий тамойиллар акс эттирилмоқда. Айни шу жиҳатдан қонун лойиҳаси Ўзбекистон "Адолат" СДП дастурий ғояларига мослиги аҳамиятлидир.

Қонун лойиҳасининг нормалари давлат мулкини, унга бўлган ҳуқуқларни давлат томонидан харид қилиб олган вақтдан бошлаб, уларнинг туратилганига қадар бошқаришни амалга оширишга йўналтирилган. Унда давлат мулки тузилмаси аниқ кўрсатилмоқда, яъни давлат мулки республика ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулкидан иборат.

Лойиҳада давлат мулкини бошқаришни амалга оширувчи субъектлар — давлат органларининг ваколатларини чағалаш ва бу соҳада олиб бораётган сиёсати учун жавобгарлигини ошириш назарда тутилган. Масалан, давлат мулк-

ки тезкор бошқарув ҳуқуқи билан бириктириб қўйилган давлат органлари ўз ваколати доирасида давлат номидан давлат корхонаси ёки муассасасининг муассаси сифатида иш юритиши, давлат мулкнинг сақланишини, бир бутунлигини ва ундан мақсадли фойдаланилишини таъминлаш, ўзи ташкил этган давлат корхонасининг соф фойдасини тақсимлаш, зарарларининг ўрнини қоплаш ҳақида қарор қабул қилиши, давлат мулкини бошқариш мақсадаги мувофиқ бўлмаган давлат мулкини хусусийлаштириш, давлат корхонаси ва давлат муассасасини қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида тақлиф киритиши мумкинлиги белгиланган.

Лойиҳанинг тегишли модда-сига кўра, ишончли бошқарувчи, ҳўжалик жамияти акциядорларининг умумий йиғилишида ишончнома асосида иштирок этувчи шахс ва айрим акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлатнинг иштирок этишига бўлган махсус ҳуқуқини амалга оширувчи шахс давлат вакиллари ҳисоб-лашиб, улар давлат мулкини бошқариш субъектлари қаторига кирилади. Шундан келиб чиқиб, ушбу давлат вакилларининг ваколатлари, уларга қўйиладиган талаблар ҳам алоҳида модда-да акс эттирилмоқда.

Лойиҳада давлат корхонаси ва муассасаси мулкини бошқариш қандай тартибда амалга оширилиши, қандай ҳолларда хусусий мулк объектларини давлат мулки қилиб олиш мумкинлиги, бу ҳақда қарорда нималар қайд этилиши белгиланган.

Бундан ташқари, хусусийлаштириладиган ёки тугатиладиган давлат мулкини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари алоҳида ажратилган моддада ўз ифодасини топмоқда. Унга кўра, давлат мулкини бошқариш субъектлари хусусийлаштириладиган давлат мулкининг инвестициявий жозибалик дорлигини ошириш чораларини кўриши, ушбу мулк олди-сотди шартномаси тузилганига қадар бут сақланишини ва ундан мақсадли фойдаланили-шини таъминлаш лозим.

Шу билан бирга, кўчмас мулк тарзида ижарага берилган давлат мулкини хусусийлаштириш пайтида ушбу мулк-ни ижарага олган ва кейинги уч йил давомида ўз шартномавий мажбуриятларини уз-луқсиз бажариб келган ижара-чи мажкур мулкни сотиб олиш учун бошқа даввогар шахсларга нисбатан имтиёз-ли ҳуқуққа эга бўлиши белги-лаб қўйилмоқда.

Қонун лойиҳасида давлат улушларини бошқариш, хусу-

сан, ҳўжалик жамиятлари у-слаб фондидаги давлат улуш-ларини қайси ҳолларда кўпай-тириш ёки камайитириш мум-кинлиги очиб берилмоқда. Давлат мулкини ва унга бўлган мулклий ҳуқуқларни ҳўжалик жа-мийатларининг устав фондига киритиш ҳамда давлат мулки-га бўлган мулклий ҳуқуқларни тугатиш асослари алоҳида норма-да ифодаланмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, шу кунларда қонун лойиҳасини янада тақомил-лаштириш, унинг нормаларини амалиётдан келиб чиқиб пухталлаштириш ишлари давом этмоқда. Мазлумки, Вазирил-ар Маҳкамасининг 2013 йил 11 июндаги "Ўзбекистон Респуб-ликасининг Хусусийлашти-риш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғри-сида"ги қарори талаблари асосида қонун лойиҳасининг

бир қатор моддалари тақомил-лаштирилди. Масалан, давлат мулкини бошқариш субъектла-ри қаторига Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш мар-кази қўшилди ва алоҳида мод-дада унинг ваколатлари бел-гиланди.

Бундан ташқари, лойиҳа-нинг давлат мулкидан фойда-ланиш бўйича чекловлар рўй-хати бир мунча қисқартирил-ди. Шу билан бирга, лойиҳага давлат мулки ва мулкка бўлган ҳуқуқларнинг келиб чиқиш асослари тўғрисида янги мод-да қўшилди.

Албатта, қонун лойиҳасини тайёрлаш ва уни пухталлашти-риш жараёнида хорижий таж-риба ҳам ўрганиб борилмоқ-да. Бир қатор давлатларда мавжуд қонунлар, айрим мамлакатларда амал қилаёт-ган фуқаролик кодексларида давлат мулкини бошқариш билан боғлиқ белгиланган меъёрлар таҳлил қилинмоқ-да.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ушбу қонуннинг қабул қилиниши давлат мулкини мамлакат ичкари-сида ҳам, ундан ташқарида ҳам самарали бошқаришга йўналтирилган қонунчиликни янада ривожлан-тириш ва бу борада мавжуд камчиликлар ҳамда но-мувофиқликларни бартараф этиш имкониятини бе-риши шубҳасиз.

Абдуғани УМИРОВ, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

➤ Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси билан Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикасининг «Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, соҳага алоқадор вазирлик, идора ва ташкилотлар вакиллари, ишлаб чиқариш корхоналари мутахассислари, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Дастурий Ғояларимиз рўёбга чиқмоқда

Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимиз қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ва соҳани ривожлантириш бўйича катта илмий, иқтисодий салоҳият ва амалий тажрибага, шунингдек, қулай табиий климат шароитига эга. Хусусан, юртимизда йилнинг 300 кундан ортиғи очик бўлиши қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича катта имконият яратди.

Мамлакатимизнинг амалдаги бир қатор қонун ҳужжатларида қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи нормалар мавжуд. Жумладан, "Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида"ги, "Электр энергетикаси тўғрисида"ги қонунлар, Президентимизнинг 2001 йил 22 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси энергетикасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш тўғрисида"ги Фармонида айрим масалалар инобатга олинган. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 1 мартдаги "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Халқаро қуёш энергияси институтини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори олимларимизнинг мазкур соҳадаги илмий ишланмалари ва экспериментал тажрибалари ҳақда миқёсда эътироф этилишига замин яратди. Соҳа йўналишидаги технологик ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш учун юртимизда табиий бойликларнинг жуда катта захиралари мавжудлиги мазкур йўналишда ишлаб чиқаришни сановат асосида ривожлантириш имкониятларини яратди. Президентимизнинг юқорида келтирилган фармон ва қарорлари асосида қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича йирик инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида фотоэлектрик панеллар ишлаб чиқарувчи корхонага асос солинди, Самарқанд вилоятида 100 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектрик станцияси барпо этилмоқда.

Шунингдек, йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан «Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқишнинг зарурати, ривожланган давлатларнинг бу борадаги қонунийлик ва амалиёт тажрибаси кенг муҳокама қилинди.

— «Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши юртимизда қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасини тизимли равишда қонуний, илмий ва амалий йўналишларини белгилаб беради ҳамда мамлакатимиз миллий хавфсизлигининг ажралмас қисми бўлган экологик ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш имконини яратди, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Даврон Тангиров. — Қолаверса, ушбу қонунни ишлаб чиқиш ғоясини илгари суриб келаятган партияимиз Сайловолди дастуридаги устувор мақсадларимизни рўёбга чиқаришга йўналтирди.

Бугунги йиғилишда фракцияимиз аъзолари, Солиқ ҳамда Божхона қўмиталари, Савдо-саноат палатаси мутахассислари томонидан қонун лойиҳасини соҳада бозор муносабатларини "яшил иқтисодиёт" тамойиллари асосида юритишни белгилувчи ҳуқуқий нормалар билан тўлдириш, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари вакиллари томонидан эса соҳадаги илмий салоҳият, таълим, "ноу-хау" тизимидаги тренинглари ва малака ошириш масалаларини ҳам қамраб олиш тақлифлари билдирилди. Ушбу йўналишда фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари вакиллари сўзга чиқиб, қонун лойиҳасининг долзарб эканлигини эътироф этишди ҳамда ўз тақлиф-мулоҳазаларини билдиришди.

Шунингдек, иштирокчилар томонидан қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда ҳаволаки нормаларга йўл қўймаслик ҳамда Америка, Жанубий Корея, Испания, Голландия каби давлатларнинг қонунчилигини қўшимча ўрганиш тақлифлари киритилди.

Йиғилиш якунида «Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланди ва гуруҳ йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинди.

Илбос САХАТОВ,
«Адолат» мухбири

Таклифлар:

➤ Депутатлик гуруҳларида

Кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларни тараққий эттириш, давлат бошқарувида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлашда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, халқ ўзи ишонч билдирган депутатларга уларнинг амалий ишларига қараб баҳо беради. Депутатнинг обрўси, ҳурмат-эътибор топиши унинг халқ ишончига сазовор бўла олишига боғлиқдир.

Шуни қайд этиш жоизки, 2009 йилги сайловда партияимиздан халқ депутатлари вилоят Кенгашига 3 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларига 19 нафар депутат сайланган бўлса, 2014 йилги сайлов натижасига кўра партияимиздан халқ депутатлари вилоят Кенгашига 9 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларига 41 нафар депутат сайланиб, уларнинг сони аввалги сайловга нисбатан 2,5 баробарга ошди.

Айни пайтда халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари ҳам вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш, улардан келиб тушган мурожаатларни қонуний тартибда ҳал қилиш борасида астойдил иш олиб бормоқдалар.

Аввало, маҳаллий Кенгаш депутатларининг ҳудудий муаммоларни ҳал этишларида



жойлардаги давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш муҳимдир. Мавжуд муаммога масъулия

ижтимоий зарурат ифодаси

билан ёндашилса, чуқурроқ таҳлил қилиб кўрилса, албатта, масала ўз ечимини топади.

Бугун биз аҳолининг ҳуқуқий маданияти, ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошганини кўп бор эътироф этмоқдамиз. Хусусан, фуқаролар ўзларини ўйлан-тиришган ёки ўзи истиқомат қилаётган ҳудуд манфаатлари акс этган масалаларга лойқад эмаслар. Қолаверса, депутатларнинг янада фаол ишлашида фуқароларнинг уларга қилган мурожаатлари ҳам таъсир

Шу ўринда яқиндагина халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Мавлуда Алтмишевага келиб тушган 2 та мурожаатни мисол тариқасида айтиб ўтиш мумкин. Мирзаобод тумани "Наврўза" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги фуқаролар ушбу тумандаги 1-иқтисодлаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатини таъмирлаш зарурлиги, 11-Нурафшон сайлов округи ҳудудидаги сайловчилар эса "Баҳористон" қишлоқ фуқаролар йиғинида 16-мактабгача

ти халқ таълими бошқармаси бошлиғи номига депутатлик сўрови киритди ва ҳозирда ушбу сўровлар ижобий ҳал қилинмоқда. Депутатлик сўровлари орқали халқнинг ишончли вакиллари аҳолини ўйлан-тиришган муаммолар ҳал бўлишига ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг комиссияларида фаолият юритиш билан бирга, муассасалар, маҳаллалар, меҳнат жамоаларида долзарб мавзуларда тарғибот тадбирлари, учрашувлар ўтказиб, аҳоли билан ҳамнафас бўлиб, биз илгари сурайдиган тақлифлар ҳаётий эҳтиёжлардан келиб чиққан масалаларни қамраб олишига эришишни мақсад қилганмиз. "Кексаларни эъзозлаш йили" муносабати билан жойларда ўтказилаётган тадбирларда миллий кадриятларимиз ва кекса авлоднинг ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб, ёшлар тарбияси, улар онг-шуурини турли ёт ғоялар таъсиридан асраб-авайлашга эътибор қаратилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, вилоятда партияимиздан сайланган депутатлар ўз қонуний ваколатлари доирасида, профессионал сиёсий маҳорат, фидойилик билан виждонан ишлаб, депутатлик мақомига муносиб фаолият юритиш билан халқ ишончига оқлашга, партия обрўсини оширишга интилоқдалар.

Салоҳиддин ЭЛМУРОДОВ,
халқ депутати Сирдарё вилояти Кенгаши депутати



"JV MAN Avto-Uzbekistan" — тараққиётнинг ўзбек моделига мос

Самарқанд шаҳрида апрель ойининг илк кунларида иш бошлаган йирик савдо-саноат кўرғазмасида кўплаб етакчи ишлаб чиқариш корхоналари қатори автомобилсозлик заводлари ҳам ўз маҳсулотлари билан фаол иштирок этмоқдалар.

доирасида қисқа вақтда бунёд этилган мазкур корхона бугун вилоят саноатининг фахрига айланб улгурган. Бу ерда замонавий автомобилсозлик саноатининг энг мукаммал технологиялари босқичма-босқич жорий этилаётгани, мутахассис кадрлар малакаси мунтазам ошириб борилаётгани ва

ларли даражада кенгайганлигини, экспорт ҳажми ҳам тора ошиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Мижозлар қаторида республикамизнинг тоғ-кон саноати, йўлсозлик корхоналари ва кўплаб йирик қурилиш компанияларини мисол қилиб кўрсатиш лозим. Чунки "MAN" автомобиллари бошқарувда қулайлиги, замонавийлиги, турли ҳажмдаги ва оғирликдаги юкларни ташишга мослаштирилганлиги билан буюртмачилар эътиборига сазовор бўлмоқда.

"JV MAN Avto-Uzbekistan" корхонасининг фарқи жиҳатларидан яна бири шундаки, мазкур завод Самарқанддаги автомобилсозлик саноати йўналишидаги касб-ҳунар коллежлари билан ўзаро шартнома асосида мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Ҳар йили мазкур коллежларнинг ўнлаб иқтидорли ўқувчилари амалий машғулотларни бевоқифа корхона цехларида ўтаб, шу ерга ишга қабул қилинмоқда. Бугун 600 нафарга яқин маҳаллий ёш кадрлар қўшма корхонада ўз танлаган касблари бўйича фаолият юритаётгани ҳам фирмиимизнинг ибодатидир.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
"Адолат" мухбири.
Муаллиф олган суратлар



Улар қаторида "JV MAN Avto-Uzbekistan" Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасининг мурраккаб йўл синовларидан муваффақиятли ўтган турли моделдаги автомобиллари ҳам кенг намойиш этилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Германия билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик

➤ "Аёллар қаноти" фаолияти

Ўзбекистон "Адолат" СДП Қашқадарё вилояти кенгашининг "Аёллар қаноти" ва Қарши шаҳар партия кенгаши томонидан "Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш — обод ва фаровон турмушни таъминлашнинг муҳим омили" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

ФИДОЙИ ВА ҚАТЪИЯТЛИ сафдошларимиз фаоллиги ошмоқда

"Адолат" СДПнинг шаҳар ва туманлар кенгашларидаги "Аёллар қаноти" етакчиларининг сиёсий билимларини оширишга қаратилган мазкур тадбирда партия фаоллари партиянинг хотин-қизларга оид сиёсати, жамиятимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотларда аёлларнинг иштироки мавзуларида маъруза қилишди.

— Жорий йилнинг ўтган даврида ўтказилган тадбирларимизнинг салмоқли қисми хотин-қизлар фаоллигини ошириш, ижтимоий-сиёсий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқдир, — деди вилоят партия кенгаши "Аёллар қаноти" етакчиси Азиза Сайнуллоева. — Бу бежиз эмас, "Адолат" СДП аёлларга мустақил мамлакатимизнинг бугуни ва келгуси тараққиётида муҳим ҳаракатлантирувчи куч сифатида қарайди ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

— "Адолат" СДП барча хотин-қизларни ўзи таянадиган ижтимоий қатлам деб билади, — деди вилоят партия кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Рўйиддин Раупов. — Шу боис, аввало, аёлларимиз ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни иш билан таъминлаш, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялашга, айниқса, қишлоқ жойларида алоҳида эътибор қаратиш зарур. Аёлларнинг қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини тўла рўёбга чиқаришлари уларнинг ҳар бири бу имкониятларни чуқур англаб етишларини тақозо этади. Ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашга қодир хотин-қизлар бу борада барчага ибрат бўла олади. Шу маънода фаол хотин-қизларни сафдошларимизга кўпроқ бирлаштириш айтиш мумкин.

Тадбирда Қарши давлат университети катта ўқитувчиси Гулчехра Содикова, партиянинг Қарши шаҳар кенгаши раиси Фаррух Иzzатуллаев ва бошқалар сўзга чиқиб, аёлларнинг интеллектуал, касбий салоҳиятини рўёбга чиқариш, хотин-қизлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида фикр юритдилар. Шунингдек, партиянинг хотин-қизларга оид давлат сиёсатини амалга оширишдаги фаол иштироки, шу мақсадда ННТлар билан ҳамкорликда қилинадиган ишлар, партия фаолларининг хотин-қизлар турмуш сифатини яхшилашга доир саъй-ҳаракатлари хусусида таҳлилий фикр-мулоҳазаларни баён қилишди. Иштирокчилар бошланғич партия ташкилотлари билан ҳамжиҳатликда хотин-қизлар ўртасида партия ғояларини янада кенг ёйиш, аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг оила ва жамиятда тутган ўрнини янада мустаҳкамлаш юзасидан тарғибот ишларини кучайтиришга келишиб олишди.

Комил САХАТОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Қашқадарё вилояти кенгаши матбуот котиби

Ростгўйликка ўргатади

➤ Ибрат

Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг "Куч — адолатда", деган улуғ ҳикмати ҳар биримизга ёд бўлган бебаҳо сўзлардир. Бу ҳикматнинг биз ёшлар учун ҳам ўзига хос тарбиявий таъсири беқиёс эканини доим чин дилдан ҳис қиламан.

Бизга сабоқ бераётган устозларимиз буюк инсонларнинг тафаккур дурдоналари олмосдай сержило ва мазмундор бўлади, ундан ҳар бир киши ўзига фойдали хулоса ола билади, деб ўргатадилар. Адолат ҳақида дунё ахлига машҳур бўлган бу ҳикматда адолатнинг куч-қудрати намоён. Адолат билан юрт обод бўлади.

Бу улуғ ҳикматга риоя қилишни ўзимнинг бурчим, деб билман. Унинг менга зарур маъносини эса ҳаётда тўғрисиқ, мард ва қатъиятли, яхши хулқи бўлишда, уйда ҳам, мактабда ҳам ўз вазифаларимни, берган вазьдамини виждонан бажаришда, кимнидир ранжитиб қўймасликда, деб тушуман. Чунки ростгўй, одобли, мард кишиларни ҳамма ҳам яхши инсон деб қарайди, бундай кишиларга ҳамма ишонади. Улғайганимиз сари "Куч — адолатда" деган теран ҳикматнинг маъноларини кўпроқ англаймиз. Амир Темур бобомизнинг ҳикматлари бизни доим ана шундай ростгўй, кучли ва шижоатли бўлишга ўргатади.

Зарнигор ХАЙБУЛЛАЕВА,
Учтепа тумани 78-мактаб ўқувчиси

Ҳудудий партия ташкилотларида

Сиёсий маҳорат ва амалий тажриба


ишни самарали ташкил этишда муҳимдир

➤ БПТ — партия таянчи

Бугунги кунда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши таркибда 310 та БПТ 9 мингдан зиёд маслақдошларимизни бирлаштирган ҳолда фаолият юритмоқда. Улар орасида «O'ztemiryo'lmashta'mir» унитар корхонаси қошида 2010 йилдан буён иш олиб бораётган бошланғич партия ташкилоти энг йирик ва намунали кўйи бўғинлардан бири саналади.

— Ҳозирги кунда корхонамиздаги 15 та ишлаб чиқариш цехида жами 1300 нафарга яқин ишчи-ҳодимлар меҳнат қилмоқда, — дейди «O'ztemiryo'lmashta'mir» унитар корхонаси механика таъмирлаш цехи устаси, БПТ раиси Рустам Байбабаев. — Айни пайтда уларнинг 320 нафари партиямиз аъзолари саналса,

сий ҳаётида туган ўрнини тобора мустақамлаш, меҳнат жамоаларида ҳодимларнинг меҳнат шариитларини яхшилаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга доир дастурий мақсадларимиз ҳаётга татбиқ этилиши юзасидан фикр алмашиб, тавсиялар ишлаб чиқаямиз. Амалга оширган тарғибот ишларимиз самараси



жонкуяр, сиёсий етук маслақдошлар билан тўлдиршига ҳаракат қилмоқдалар. Айниқса, бошланғич ташкилот фаолларининг шаҳар партия кенгаши ҳамда депутатлик гуруҳи билан яқин ҳамкорлиги тарғибот ишлари самардорлигини таъминлашда кўл келаяпти.

Хусусан, БПТ фаоллари томонидан «Соғлом авлод буюқ ишларни қилишга қодир», «Инсон манфаатлари — олий қадрият», «Эзгу қадриятлар — маънавият таянчлари», «Оилада соғлом турмуш тарзига риоя қилиш — комил инсонни шакллантиришнинг муҳим омил», «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур», «Соғлом оила — соғлом жамият», «Ёшлар соғлом турмуш тарзини танлайди», «Эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш» каби мавзулардаги тадбирлар кўпчилиқда қизиқарли бўлиб, самимий мулоқот, фойдали фикрлашув тарзида ўтказилаётганлиги эътиборга молик.

— Ижтимоий-сиёсий ҳаётда сиёсий партия ролини оши-

риш учун кўйи тузилмаларда ишга ёндашуви янгилаш асосий вазифа саналади, — дейди БПТ фаоли Раъно Олломова. — Зеро, айнан бошланғич ташкилотлар жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолардан яхши хабардор ва уларни самарали ҳал этишда муҳим бўғин саналади. Шу боисдан аъзоларимизнинг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича аниқ режа асосида иш олиб бораёямиз, таъсирчан сиёсий ўқувлар ташкил этаёямиз. Бу борадаги ишлар 2014 йилги сайловлар ҳамда жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови кампанияси даврида ўз самарасини кўрсатди. Айниқса, сайловолди ташвиқотини амалга оширишда партиядошларимизнинг сиёсий саводхонлиги ва фаоллиги кўл келди. Бундай муҳим сиёсий жараёнларда БПТларнинг партия тизимида таянч сифатидаги ўрни янада яққолроқ намоён бўлади.

«O'ztemiryo'lmashta'mir» корхонасидаги бошланғич ташки-

лот фаоллари 2015 йил бошиданок йиллик иш режасини шакллантириш, тарғибот ва ташвиқот услубларини қайта кўриб чиқиш масалаларини муҳокама қилиб, ташкилот олдидаги аниқ вазифаларни белгилаб олганлар. Кексаларни эътиборга олишда БПТ фаолиятини янада кучайтириш, қабул қилинган Давлат дастури ижросини таъминлашда фаоллар иштирокини кенгайтириш борасидаги чора-тадбирларга мувофиқ шу кунга қадар бир қатор тарғибот тадбирлари ўтказилди. Шу билан бирга, кўйи ташкилот аъзолари Миробод туманида истикомат қилувчи 100 ёшдан ошган нуронийларнинг ўйларига бориб йўқлаш, ҳолидан хабар олиш, ушбу жараёнга ёшларни кенг жалб этиш, кекса отахону оналар билан уч-авлод учрашувларини ташкил этишга эътибор қаратаётдилар.

Бобур ОТАМУРДОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Тошкент шаҳар кенгаши
матбуот котиби



хайрихоҳларимиз янада кўпчилиқни ташкил этади. Бошланғич ташкилотимизда сафдошларимизнинг фаоллигини кучайтиришга, уларнинг касбий-партиявий малакасини оширишга доимий эътибор қаратаёямиз. БПТ аъзолари билан биргаллик «Адолат» СДПнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиё-

ўларок, 2014 йилда аъзоларимиз рафи 60 нафарга кўпайди.

Дарҳақиқат, бошланғич ташкилот фаоллари жойларда ўтказилаётган тарғибот тадбирлари таъсирчанлигини ошириш, партия сафларини юрт тараққиёти учун астойдил хизмат қилишга бел боғлаган

Ҳар жабҳада фаол

➤ «Адолат»нинг адолатли аёллари

Кейинги йилларда Ўзбекистон «Адолат» СДП Наманган вилоят ташкилоти тизимида сафдошларимиз сони ортиб, партия тузилмалари ташкилий жиҳатдан мустақамлашиб бормоқда. Маҳаллий партия кенгашлари фаолиятига назар ташласангиз, деярли барча туманларда ўсиш қайд этилганига гувоҳ бўласиз. Масалан, Тўрақўрғонда «адолатчи»лар 2014 йилги сайловда кўлга киритган ютуқлар ҳақида қатор матбуот нашрларида кенг ёритилди. Халқ депутатлари туман Кенгашига партиядошларимиздан саккиз киши депутат қилиб сайланди. Аввалги сайловда мазкур кенгашда партиямиз вакиллари бирор ўринга эга бўлмаганлигини назарда тутсақ, бу галги натижанинг салмоғи кўзга яққол ташланади.

Яна бир диққатга сазовор томони шундаки, Акмал Бурханов 44-Тўрақўрғон сайлов округидан Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига депутат этиб сайланди, у айни пайтда парламентдаги «Адолат» СДП фракцияси аъзосидир.

— Сайловолди кампанияси даврида тумандаги кўплаб партиядошлар билан танишдим, уларнинг ҳамжиҳатлиги, мақсад сари қатъий интилишлари эътиборимни тортди, — дейди у. — Туман партия кенгаши раиси Эркин Эргашев ўзи ёш бўлса-да, кадрлар билан ишлашининг ҳадисини олган, тажрибага эга раҳбар эканига ишонч ҳосил қилдим. Халқ депутатлари туман Кенгашида салмоқли партия гуруҳи тузишга муваффақ бўлиганининг сири ҳам шунда. Кейинги пайтда партиямиз сафини ўзининг меҳнат жамо-

асида, қолаверса, аҳоли ўртасида фидойи ва ҳалоллиги, билимдонлиги туфайли обрў-эътиборга эга бўлган инсонлар ҳисобига ошганлигини кузатиш мумкин.

Қонунчилик палатаси депутати А.Бурханов бир неча фаол партиядошларимизни тилга олди. Улар орасида Лобархон Рустамованинг шаънига ҳам илиқ сўзлар айтди. Бу фикр «Адолат» СДП туман кенгашининг раиси Эркин Эргашев ҳам маъқулади. Биз Л.Рустамованинг айни пайтдаги фаолиятига қизиқдик.

— У нафақат бошланғич ташкилотда, шунингдек, туман ва вилоят миқёсидаги тадбирларда ҳам мунтазам қатнашади. Ўзининг вақтинчи ва имкониятларини партия иши учун ҳеч қачон аямайди, — дейди Э.Эргашев. — Айнан мана шу фазилатлари учун нафақат «адолатчи»лар, бал-



ки кенг жамоатчилик ўртасида ҳам обрў-эътибор қозонган.

Лобархон мана, йигирма уч йилдики, Тўрақўрғон туманидаги 1-умумтаълим мактабида ўқувчиларга сабоқ бериб келмоқда. У ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан камол топиши йўлида ўз билими ва меҳнатини асло аямайди. Ҳар бир дарсга лухта тайёрларик кўради, кўплаб кўргазмаларни қуроллар, тест савол-жавоблари шаклидан ҳам унумли фойдаланади. Унинг янги педагогик технологиялар асосида яратган дарс ишланмалари кенг омалашган.

Л.Рустамова туман педагоглари ўртасида ҳам ҳурматга сазовор бўлиб келмоқда. Уни кўплаб ёш ўқитувчилар ўзларига устоз санайдилар. Лобархон «Адолат» СДП аъзоси

бўлиш билан бирга саккиз йилдан буён мактаб бошланғич касабга уюшма ташкилотининг раиси ҳам. Ўқитувчилар ва техник ҳодимларнинг меҳнат ҳамда турмуш шариитларини яхшилаш, уларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтишига эришишда кўплаб ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, ҳар йили ёзги таътил пайтида касабга уюшмаси аъзолари фарзандлари Поп туманидаги «Офтобча» оромгоҳида дам оладилар. Оиласи кам таъминланган ҳодимларга эса мод-дирьям берилиши ҳақида партиямиз фаоли хамиша гам-хўрлик қилади.

Лобархоннинг яна бир аjoyиб хислати — турли кўрик-танловларда ўзи ҳам фаол қатнашади, ўқувчилари ва шогирдларини ҳам шунга даъват этади. Мактабдаги

навийхонлик ва бобурхонлик тадбирларида бошловчи ўзи. Уни «Билимлар беллашуви», фан олимпиадаларининг ташкилотчилари сафида ҳам учрашди мумкин.

Партиядошимиз ҳозир ҳам изланишда. «Адолат» СДП туман кенгаши «Аёллар кано-ти» аъзоси сифатида муас-саса ва ташкилотларда, ма-ҳаллаларда тез-тез тадбир-лар ўтказиб туради. Партия-нинг гоя ва дастурларини тарғиб қилишда бошқалар-га ибрат кўрсатади. Шундай фидойи, ҳар жабҳада фаол сафдошларимиз сони орта-верса, «Адолат» СДПнинг ну-фузи янада ошиб, хайрихоҳ-лари ҳам кўпаяверади, ал-батта.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
«Адолат» мухбири

Ўзбекистон «Адолат» СДП хабарлари

➤ Қадрият

Меҳр-оқибат туйғуларини юксак кадрлаган юртдошларимиз бир-бирига гамхўрлик кўрсатишни маънавий бурч, гўзал инсоний фазилат деб билишди ва шунга мудом амал қиладилар.

Болажонлар қувончи

Партиямиз фаоллари ташаббуси билан Марғилон шаҳридаги «Шоҳона» тўйхонасида болажонлар ва уларнинг ота-оналарига катта қувонч улашган тадбирда ҳам бу азалий қадриятларимиз яна бир бор намоён бўлди. Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари, Марғилон туғуруқ комплекси бош шифокори Манзура Салимова ташкилотчилигида кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, ота-онасиз 10 нафар болаларнинг суннат тўйлари ўтказилди. Суннат тўйлари ўтказилаётган болаларнинг ҳар бирига ҳомийлар кўмагида банкда ҳисоб рақами очилиб, омонат дафтарчалари ўз эгаларига тарқатилди. Шунингдек, уларга қишги-ёзги кийимлар, велосипедлар, мактаб ўқув-қуроллари ва бошқа эсдалик совғалари берилди. Болажонларнинг қувончи уларнинг беғубор кўзларида акс этганини кўриб, барча хурсанд бўлди.



Тадбирга шаҳарнинг нуроний кексалари, меҳнат фахрийлари ҳам таклиф этилиб, уларга иззат-ҳурмат кўрсатилгани барчани хушнуд этди. Ўзбекистон «Адолат» СДП вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Н.Суряқулов тадбирда қатнашган отахону онахонларга партиянинг эсдалик совғаларини топширди.

Вилоятимизнинг таникли хонандалари ижро этган гўзал куй-кўшиқлар йиғилганларга янада кўтаринки кайфият бағишлади.

Комилахон ИСРОИЛОВА,
Фарғона вилояти

«Адолат» гуруҳи ҒОЛИБ

➤ Танлов

«Адолат» СДП Конимех туман кенгаши «Камолот» ЕИХ Конимех туман кенгаши билан ҳамкорликда таълим муассасалари ўқувчиларининг ҳуқуқий билимлари, онги ва маданиятини ошириш, уларни Конституциямиз ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшларнинг эркин фикрлаш қобилияти ва нутқ маданиятини янада мустақамлаш, иқтидорни юксак ўқувчиларни аниқлаш ва уларни рағбатлантириш мақсадида тумандаги Конимех қишлоқ хўжалик касб-хунар ҳамда иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш коллежлари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди.

— Ушбу тадбир таълим муассасалари ўқувчиларининг ҳуқуқий тарбиясини янада яхшилашда амалий аҳамият касб этади, — дейди «Адолат» СДП Конимех туман кенгаши раиси, «Камолот» ЕИХ туман кенгаши «Камалак» болалар ташкилоти раҳбари Қуралбой Ходжамқулов. — Танловда ўқувчилар тўрт шарт бўйича ўз билимларини синондан ўтказдилар. Улар мамлакатимиз суд-хуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги фикрлари, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган таклифларни кўргазмалар тарзда намоёиш этишди. Ҳуқуқий билимларга доир савол-жавоблар, шунингдек, жамиятда учрайдиган айрим ижтимоий-ҳуқуқий муаммолар ва уларни бартароф этиш борасидаги таклифларни иштирокчилар сахна чиқишлари орқали кўрсатишлари ҳам барчанинг диққатини жалб этди.



Беллашувада Конимех иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш коллежнинг «Адолат» жамоаси ғолибликни кўлга киритиб, танловнинг вилоят босқичига йўллана олди. Ғолиб жамоага «Адолат» СДП туман кенгаши томонидан эсдалик совғалар берилди.

Садоқат ШАМСИЕВА,
Навий вилояти

Дастур асосида қонунчилик такомиллаштирилади

➤ **2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили**

2015 йилнинг 18 февралда "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарор қабул қилинди. 6 та бўлим ва 66 та банддан иборат дастурда жорий йилда барча соҳаларда амалга оширилиши лозим бўлган чоратadbирлар белгилашни баробарида жами 17 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш назарда тутилган.



Суратда: Норин туманидаги "Янги тон" маҳалласида яшовчи Тулармирза ота Раҳмончаев умр йўлоши Арофатхон ая ва набиралари билан.

Хотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Жумладан, Давлат дастурининг 1 бўлими кекса авлодга эътибор ва гамхўрликни кучайтириш ҳамда улар ҳаёти мазмуни ва сифатини оширишга йўналтирилган қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, бу борада 8 та қонун ҳужжати лойиҳаларини ишлаб чиқиш лозимлиги белгилаб берилган.

Қонун ижодкорлиги доимий ҳаракатдаги жараён бўлиб, давр тақозоси ва тараққиётнинг олдида доимо янги-янги вазифалар қўйиши табиий. Давлат дастурининг мазкур бўлими ҳам бевосита қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёни билан боғлиқ бўлганлиги сабабли уни шакллантириш Адлия вазирлигига юклатилди. Зеро, Адлия вазирлиги қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сийсатини амалга оширади.

Давлат дастурини қуйидаги қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш назарда тутилган:

"Ҳарбий, ички ишлар, божхона органларида хизматни ўтаган шахслар ва уларнинг оила аъзоларининг пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси. Ушбу қонун ҳарбий, ички ишлар, божхона органларида хизмат ўтаган шахсларнинг пенсия таъминотининг асослари ва механизмини белгилашга қаратилади;

"Қариялар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа тоифаларига ижтимоий хизматлар кўрсатиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси. Мазкур қонун:

қариялар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа тоифаларига ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг асосий принциплари ва механизмларини, шунингдек, ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш; аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилган ижтимоий хизматлар кўрсатишининг тури ва

шакллари белгилаш; аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа масъул идораларнинг ваколатлари ва мажбуриятларини белгилашга йўналтирилди.

"Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси. Ушбу қонунда кекса авлодга нисбатан жиноят қонунчилиги нормаларини янада либераллаштириш мақсадида Жиноят кодексининг 50-моддасига овоздандан маҳрум қилишнинг энг кўп муддатини 3/4 (75 фоиз) дан 2/3 (67,7 фоиз)гача камайтиришни назарда тутувчи ўзгартириш киритиш назарда тутилди;

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг "100 ёшга тўлган шахсларнинг пенсияларига энг кам иш ҳақининг 100 фоиз миқдорига устама ҳақ тўлаш ҳақида"ги Фармони лойиҳаси;

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг "2015-2020 йилларда ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳақидаги Давлат дастури тўғрисида"ги қарори лойиҳаси. Мазкур қарор лойиҳаси ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларга нисбатан манзилли ижтимоий ҳимояни кучайтириш ва уларга тиббий ва маиший хизматлар кўрсатиш турларининг сифатини оширишга қаратилади;

75 ёш ва ундан ошган фуқароларни пенсия ва ёрдам пулининг тўри тайинлашини текшириш натижалари бўйича аниқланган қардорликдан озод қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг Президентининг қарори лойиҳаси; 1941-1945 йиллар уруш ва меҳнат fronti фахрийларини эсдалик юбилей медаллари билан тақдирлашни ташкил этишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг Президентининг Фармони лойиҳаси;

II жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанин 70 йиллигини кенг нишонлашга қаратилган чоратadbирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг Президентининг қарори лойиҳаси;

1941-1945 йиллар уруш ва меҳнат fronti фахрийларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ўтказилишини ташкиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг Президентининг Фармони

таъминотининг ягона идораларо интеграциялашган ахборот тизимини жорий этиш тўғрисида"ги қарори лойиҳаси; Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг "Кексаларга ижтимоий хизматлар тайинлаш ва кўрсатиш, ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг индивидуал дастурларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори лойиҳаси. Ушбу лойиҳада:

ҳалқро стандартларга мувофиқ қариялар ва аҳолининг бошқа тоифаларига ижтимоий хизматларни тайинлаш ва имкониятларини янада кучайтириш мақсадида 1941-1945 йиллар уруш ва меҳнат fronti фахрийларига бир йилда бир марта имтиёзли равишда (бориб келиш учун) темир йўл транспортдан текинга фойдаланиш, шунингдек, ҳаво транспортидан фойдаланишда 50 фоиз чегири мани қўллашга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси;

ёлғиз қарияларга манзилли ижтимоий ҳимояни кучайтириш ва биринчи навбатда зарур бўладиган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш

Шу ўринда қайд этиш лозимки, Адлия вазирлиги ҳар йилги Давлат дастурларида назарда тутилган қонун ҳужжатлари лойиҳаларининг тегишли вазирлик, идоралар томонидан ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқиши ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритилиши билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириб боради.

Бундан ташқари, Давлат дастурини белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқиш, тегишли вазирлик, идоралар билан келишилган давр сўнг, Адлия вазирлигига тақдим этилади. Адлия вазирлиги мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг Конституция ва бошқа қонун ҳужжатларига, мамлакатда олиб борилаётган ислохотларга қанчалик мослигини таҳлил қилади ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиши ҳамда натижаси юзасидан тегишли хулоса беради.

Мустафо ХОДЖАЕВ,

Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги Жиной, маъмурий ва ижтимоий қонунчилик бошқармаси бўлим бошлиғи

➤ Бандлик

Маълумки, истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб, юртимизда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида зарур шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, бандлик тузилмалари такомиллаштирилди, меҳнат фаолияти турлари кенгайтирилди ва меҳнатга бўлган муносабатда ижобий ўзгаришлар юз берди. Бугунги кунда нодавлат секторда ишлаётганлар сони умумий ишчиларнинг тўртдан уч қисмини ташкил этмоқда.

Янги иш ўринлари кенг имкониятлар туфайли кўпаймоқда

Бозор иқтисоди шароитида ишчи кучини оқилона тақсимлаш ва қайта тақсимлаш ишлаб чиқаришнинг моддий ашёвий омилларидан бири ва интеллектуал капиталдан самарали фойдаланишнинг муҳим шартидир.

Ҳозирги вақтда меҳнат ресурсларининг укладларо эркин ҳаракатда бўлиши кўпроқ кўзга ташланмоқда, чунки бир укладли тизимдан фарқли равишда бозор иқтисодиёти муносабатларида ишчи кучи аҳолининг айрим секторларга боғланиб қолиши юз бермади.

Республикамизда ишчи кучининг банд бўлмаган қатламини иш билан таъминлаш мақсадида кўплаб меҳнат биржалари ташкил этилди. Вилоят ва туманларо "Бандлик" дастурлари ишлаб чиқилиб, бу борада амалий ишлар олиб борилмоқда. Энг муҳими, "давлат — бош ислохотчи" тамойили асосида иқтисодий ислохотлар ўтказилмоқда.

Тўлиқ ва эркин танланган иш билан бандликка кўмаклашиш мақсадида ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштиришга, яъни ишчи кучи ҳаракатчанлигини оширишга, янги технологиялар яратишга қаратилган ҳал қилувчи аҳамиятга эга саналади. Солиққа оид ҳамда иш жойлари сонини сақлаб қолиши ва кўпайтиришга ёрдам берадиган бошқа чора-тадбирлар кўрилатгани ўз ижобий самараларини бермоқда.

Кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш, уларга кенг имконият ва имтиёзлар берилиши бандликни таъминлаш, янги иш жойларини яратишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга саналади. Фан ва техника тез суръатлар билан тараққий этиб бораётган даврда нобъ ёки кам серияли санаят маҳсулотларига, шунингдек, ўзига хос ва маҳаллий талабларни қондиришга мўлжалланган маҳсулотларга эҳтиёж юқори бўлади. Бундай маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кичик ва ўрта корхоналарда йўлга қўйиш иқтисодий жиҳатдан самаралидир. Шунинг учун санаяти ривожланган мамлакатларда шундай санаят тизими вузудга келганки, у йирик компанияларнинг кўплаб майда ва ўрта мустақил корхоналар билан ҳамкорликда ишлашига асосланади. Бундай ҳамкорлик санаят тармоқларида ҳаракатларни камайтириш имконини беради. Кўпгина санаяти ривожланган ёки ривожланаётган мамлакатларда кичик ва ўрта



корхоналарнинг ривожланиши ва фаолият кўрсатиши соҳасидаги тажриба уларга давлат томонидан, шунингдек, хусусий ижтимоий институтлар томонидан ҳам катта эътибор берилганлигини кўрсатади ҳамда улар ҳозирги вақтда ишлаб чиқарилаётган санаят маҳсулотларининг умумий ҳажмида ҳам, иш билан банд ходимларнинг умумий сонидан ҳам анча салмоқли ўринни эгаллайди.

Бир сўз билан айтганда, тадбиркор ва ишбилармонлар, кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятида учрайдиган говларни бартараф этиш борасида қилинаётган кенг қўламли саяё-ҳаракатлар бандликни таъминлашга узвий боғлиқлиги билан ҳам бениҳоя аҳамиятлидир.

Дилёра РАСУЛҚУЛОВА,

Тошкент молия институти магистранти

Якка тартибдаги тадбиркорларга қулайликлар

➤ Солиқ почтасидан

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунига асосан 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб Солиқ кодексига бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 311-моддасига асосан янги рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбир-

корлик шаклидаги фаолиятни амалга оширувчи оила аъзолари томонидан сугурта бадалларини тўлаш улар якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан кейинги ойдан бошлаб амалга оширилади.

Худди шунингдек, мазкур кодекснинг 375-моддасида янги рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик субъекти қатъий белгиланган солиқни якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган санадан кейинги ойдан бошлаб тўлаши белгиланди.

Бундан ташқари, Солиқ кодексининг 375-моддасида янги хатбоши билан тўлдирилиб, касб-хунар коллежлари битирувчилари коллежни тамомлагандан кейин ўн икки ой ичида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат



рўйхатидан ўтган тақдирда, якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган санадан эътиборан қатъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод этилиши қайд этилди.

Бу билан коллеж битирувчилари бўлган ёшлар тадбиркорликка кенг жалб қилинишига ҳамда ўз бизнесларини йўлга қўйишлари учун имконияти эшиклари очиб берилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, коллеж битирувчиси бўлган якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб ўн икки ой ичида фаолиятини тугатган тақдирда, қатъий белгиланган солиқ фаолият амалга оширилган бутун давр учун тўланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2010 йил 30 мартдаги «Халқ бадийи хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонида уй шароитида халқ бадийи хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш бўйича "Хунарманд" уюшмаси аъзолари — якка тартибдаги тадбиркорларга белгиланган қатъий солиқни тўлаш юзасидан қатъий имтиёзининг амал қилиш муддати Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2013 йил 26

декабрдаги Фармонида асосан 2017 йилнинг 1 январигача узайтирилди.

Мазкур имтиёз Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2005 йил 28 мартдаги «Халқ бадийи хунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган хунармандчиликнинг асосий 25 та фаолият тури рўйхати асосида қўлланилади.

Шунингдек, Солиқ кодексининг 390-моддасига асосан концерт-томоша фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун давлат божи тўловчи жисмоний шахслар мазкур фаолият тури бўйича қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилган.

Зафар СИНДОРОВ,
Новий вилоти ДСБ
бошлиғи ўринбосори

➤ 9 апрель — Соҳибқирон
Амир Тему́р таваллуд топган кун

АДОЛАТ СОҲИБИ

“Соҳибқирон” сўзининг маъноси

“Соҳибқирон” сўзининг арабча “саодатли, зафарли, голиб” маънолари бор. Илми нуҷум (астрология)да афсоналарда Зухра (Венера) — дўстлик ва меҳру муҳаббат туғёнларини инъом айлагувчи, Муштарий (Юпитер) — омаду иқбол, музаффарияту шодиёналар сайёраси, деб таърифланади. Шу икки сайёранинг бир буржда учрашган вақти саодатли лаҳзалардир, уни “қирон” дейдилар. Шундай вақтда туғилган бола ўша “қирон соҳиб” ҳисобланади. Бундай боланинг бахтли, улғу мартабалар эгаси бўлиши олдиндан башорат этилади. Шунингдек, “Соҳибқирон” Шарқ мамлакатларида ҳукмдорларга бериладиган шаарфли унвон. Амир Тему́р Кўрагон ҳам шу улғу унвонга мушарраф бўлган.

Тарихий манбаларда Амир Тему́р Соҳибқирон номи билан бир қаторда «Соҳиб жаҳон» ҳамда «Соҳиб адл» — Адолат соҳиб номи билан улуғланади.

Амир Тему́р — буюк бунёдкор

Амир Тему́р қуриш, яратиш тийнат (менталитет) бўлган халқнинг фарзанди, табиатан бунёдкор бўлиб, бу борада ўхшаши йўқ зот эди.

“... Амр этдимки, — деб ёзади, Амир Тему́р “Тузуклар”да, — каттакич ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳларни бино қилсинлар, фақир мискинларга лангархона солсинлар, касаллар учун шифохона курсинлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинлансинлар. Ҳар бир шаҳарда сарой ва қозихона бино қилсинлар...”

Бунёдкорлик Соҳибқирон даврида давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Амир Тему́р фақат ўз мамлакатигагина эмас, балки бошқа юртларда ҳам бунёдкорлик ишларини амалга оширган бунинг далилидир. Даставвал салтанат пойтахти қилиб белгиланган Самарқандни дунёнинг энг обод шаҳарига айлантириди, улғуворлигини кўрсатиш учун атрофида Дамашқ, Бағдод, Миср, Шероз, Султония каби машҳур шаҳарлар номи билан аталган, бог-роғларга қўмилган қишлоқлар барпо қилдириди.

Мамлакатда йўллар кенгайтирилди, кўприклар солинди, работлар тикланди, бозорлар орасталанди, бинолар қад кўтарди, хиёбонлар барпо этилди, боғлар яшнади. Бу боғлар ҳақида испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ўз кундаликларида завқ-шавқ билан ҳикоя қилган. Уларнинг ичида Гулбоғ, Боғи Дилқушо, Боғи Чинор, Боғи Нав ва бошқа боғлар номи бор. Самарқандда

Кўксарой, Амир Тему́р жоме масжиди, Бибиҳоним мадрасаси, масжиди, Қўсам ибн Аббос меъморий мажмуи, Шахрисабзда Дорут-тиловат мажмуи, муҳташам Оқсарой, Туркистон шаҳридаги Хожа Аҳмад Яссавий Хонагоҳ — мақбараси, Тошкент яқинида Зангиота мақбараси, Наҳри Барлос ариғи, Қобул атрофларида, Фарғона водийси, Мурғоб водийсидаги ерларга, Озарбайжондаги Мугон чўлларида сув чиқарилиши, Шохруҳия, Байлақон шаҳарларининг бунёд этилиши, Табриз, Бағдод ва Гурганж шаҳарларининг қайта тикланиши...

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шарафиддин Али Яздийнинг “Соҳибқирон ҳар ерданим, иморатқа қобил ер кўрса эрди, ул ерда албатта бир иморат солур эрди”, — деган сўзлари зинҳор муболага эмас.

“Тему́р тузуқлари”

Амир Тему́рнинг маънавий ва маърифий қарашлари унинг ўз фарзандлари, набиралари, тахт ворисларига қолдирган ўғитлари “Тему́р тузуқлари”да мужассамлашган. Бу бебаҳо тарихий асарда ҳокимлар ва вазирларнинг вазифалари, ўз ишига муносабати, аҳоли турли қатлами — раиятнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, сипоҳларга муносабат каби ҳаётий маънавий-ахлоқий қонунқондалар ўз ифодасини топган.

Соҳибқироннинг “Тему́р тузуқлари”дан қуйидаги сатрларни мамнуният билан ўқиш мумкин:

«Юз минг оптиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин».

Куйида Амир Тему́рнинг кечиримлик хислатлари намойён бўлган. Буни у бошқалардан ҳам талаб қилган. Кечиримли бўлиш инсон учун энг яхши фазилат саналади:

«Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кўтарганлар, ишимга кўл зиён етказганларни ҳам, агар улар илтижо билан тавба-тазарру қилиб келсалар, ҳурматлаб, ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим. Мартабаларини оширдим. Улар билан муомалада шундай йўл тутдимки, агар хотираларида менга нисбатан шубҳаю қўрқув бўлса, бутунлай унут бўларди».

«Менга ҳасад қилиб, ўлдиришга ҳасод қилган кишиларга шунчалик совға-инъомлар бериб, мурувату эҳсон кўрсатдимки, бу яхшиликларни кўриб, ҳижолат терига гарқ бўлдилар. Ҳамиша менинг розилигимни олиб иш тутган дўстларим олдимга паноҳ тилаб келганларида, уларни ўзимнинг бахту давлатимга шерик қилиб, ҳеч қачон улардан мол-мулк ва тирикчилик ашёларини аямасдим».

Амир Тему́рнинг дўстлик ҳақидаги панду насихатлари ҳам ҳалихануз биз учун ибратдир.



«Содиқ ва ҳақиқий дўст улким, ўз дўстидан ранжимайди, дўстининг душманини ўз ёни деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди».

Амир Тему́рнинг қуйидаги сўзлари асрлар оша халқимизнинг асл фарзандларини эл-юрт, Ватан ҳақида қайғуришга чорлаб келди:

«Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифларни кўринг, йўқсиларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик дастурунгиз, раҳбарингиз бўлсин». Бу жумлаларда Амир Тему́р маънавий-тажамулжам бўлган бўлса, не ажаб.

Куч — адолатда

Амир Тему́р маънавиятини белгиловчи бош мезон унинг бутун умр бўйи амал қилган «Куч — адолатда!» деган шioriридир. Бу шiorда Амир Тему́р ҳаёти ва фаолиятининг бутун мазмуни мужассамлашган, десак янглишмаймиз.

Шарқда “Одил подшо” тушунчаси қадим-қадимдан мавжуд. Халқ ана шундай подшоҳи ҳамиша орзу қилиб келган. Соҳибқирон Амир Тему́р ана шундай подшо бўлишга интилди. Соҳибқирон ўзининг “Куч — адолатда” деган шiorига бутун умр амал қилди. Бу сўзлар Амир Тему́р узугига ўйиб ёзилган ва давлат муҳрида ҳам акс этган эди. Соҳибқирон салтанатидаги адолат ва ҳавфсизлик шунчалар юксак эдики, буни тарихчилар, “агар, мамлакатда ёш бола бир товоқ олтинни бошига қўйиб, мағрибдан машриққа

ча борса, ҳеч ким унга қўл чўзмас ва олтиндан биттаси ҳам қамаймас эди”, дея таърифланганлар.

Амир Тему́рнинг “Кимнинг ақли ва шижоатини синов тарозисида тортиб кўриб, бошқаларниқидан ортиқроқ кўрсам, уни тарбия қилиб, амирлик даражасига кўтарар эдим. Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим” каби ҳикматлари ҳар бир кишини раҳбарликда ҳам, иш-ҳаракатларини бажаришда ҳам, тадбиркорликда ҳам, бахт-саодатга эришишда ҳам ақлли, ўткир зеҳнли, идрокли, мулоҳазали бўлишга, фойдали ишларни бажаришга чорлайди.

Амир Тему́р ўзининг “Зафар йўли” китобида “...ўз қудратимни сақлаш учун мен бир қўлимда адолат шабини ва иккинчи қўлимга бегаразликни шабини тутиб, ҳар иккала шам билан бутун умр бўйи ўз йўлимни ёритиб юрдим. Барча қилмишларимда ана шундай адолат қондаларига риоя қилдим”, деб ёзади. Одамларга, демак халққа эътибор бериш ва ҳимоя қилиш — Соҳибқирон адолатининг бош ўзагини ташкил қилар эди. Адолат олдида барча тенг; хоҳ ўзининг фарзандлари бўлсин, хоҳ олдий фуқаро — барчага бирдай адолат кўзи билан қарар эди. Адолат тамойилларини бузгани учун ўгли Мироншоҳ ва айрим набиралари ҳам жазоланганликлари тарих китобларидан маълум. Муаррих Низомиддин Шомий “Зафарнома”да Амир Тему́рнинг 1366 йилда, ҳали давлат тахтига чиқмасдан

тўрт йил аввал айтган сўзларини келтиради: “қайси бир подшоҳ ўз ишини ғаждорлик ва бевафолик асосига қўрса, кишиларга озор бериш ва ҳалок қилишга ошиқса, унинг давлати чайқалиб қарорсизликка юз тутади... Биз ўз салтанатимизни одамларга эътибор бериш ва уларни ҳимоя қилиш асосига қўраётганимиз ситам сабабли, уларни юлантириб, хотиржам қиламиз...” Тарихчиларнинг гувоҳлик беришларича, Соҳибқирон сафардан қайтиб келганда,

Бугун мустақил юртимизнинг баркамол авлоди улғу Соҳибқирон таълимидан баҳра олиб улғаймоқда. Чунончи, ўрта мактабларнинг учинчи синфида “Соҳибқирон Тему́р бобо” ҳақида маълумот, Амир Тему́рнинг “Куч — адолатда” ҳикматли сўзининг мазмуни ва моҳиятини ўрганиш учун алоҳида соатлар ажратилган. Негаки, адолат ҳақидаги бу кутлуғ сўзлар бугунги кунда ҳам юксак аҳамиятга эга. У Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга, уни ҳимоя қилиш ва кўз қорачиқдек асрашга, юртимиз шаъни-шавкатини юксалтиришга, инсоф ва диёнат ҳукмирон бўлган эркин жамиятини қуришга қаратилгандир. Шу боис, Амир Тему́рнинг адолат ҳақидаги ҳикматлари, унинг маънавий-ахлоқий қарашлари халқимиз ҳаётидан чуқур ўрин эгалламоқда.

Тошкент шаҳри марказида бунёд этилган Амир Тему́р ҳайкали, унинг ёнида музей халқимизга фахр ва гурур бахш этмоқда. Улғу Соҳибқирон бобомиз ҳайкалида рамзий маъно мужассам. Унда Амир Тему́р учқур тулпорининг жиловини — гўёки улғу салтанат ишларини маҳкам тутиб турибди. Қиличсиз қўлини олдинга чўзиб, жаҳон халқларига омонлик тиламоқда. “Куч — адолатдадир!” демоқда.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ,
Амир Тему́р халққаро
илмий экспедицияси аъзоси



Эътироф

Ўзбекистон ишлов чиқаришнинг барча соҳаларида катта соҳиятга эга. Инвестиция муҳитининг мақбуллиги мамлакатни инвестициялар учун янада жозибадор қилмоқда.

Биз томонимиздан ўтказилган тадқиқотларга кўра, Ўзбекистонда иқтисодийнинг барча тармоқлари, шу жумладан, автомобиль саноати юқори имкониятларга эга. Бу эса инвесторларда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Маҳаллий автомобиллар сифати ва ҳавфсизлиги бўйича жаҳон стандартларига тўлиқ жаов беради.

Меҳнат ресурслари, хомашё базаси, аҳолининг юқори талаб-эҳтиёжи ва давлат кўмаги сингари муҳим омилларнинг мавжудлиги автомобилсозлик соҳаси ривожланишига хизмат қилиб, янги лойиҳалар яратиш ва ишлаб чиқаришни рағбатлантирмоқда. Бизнинг лойиҳа

«АСАКА» БАНК — ишончли ҳамкор



— «GM Uzbekistan» ҚҚга автомобиллар ишлаб чиқариш учун эҳтиёт қисмлар тайёрлашни ташкил этишга қаратилган. «UzSungWoo» қўшма корхонамиз 2011 йилда ташкил этилган. 2013 йилдан бери «Асака» банк бизга хизмат кўрсатиб келмоқда. «Асака» банк юқори

даражада хизмат кўрсатувчи ишончли ва барқарор молиявий муассаса сифатида ном қозонган. «Fitch Ratings» ва «Moody's» сингари дунё миқёсидаги нуфузли халқаро рейтинг агентликлари томонидан «Асака» банк қаторасига бир неча йиллардан бери юқори рейтинг

баҳолаганига сазовор бўлмоқда. Банк фаолияти «Барқарор» деб тан олинмоқда. «Асака» банк Ўзбекистондаги энг барқарор ва ишончли молиявий муассасалардан биридир. «Асака» банк ғояларимизни амалга ошириш учун молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлади.

«АСАКА» БАНК БАҲОЛАШ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки
Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Файзий кўчаси 44-уйда жойлашган банкка тегишли бўлган қўчмас мулкнинг бозор нархини аниқлаш борасида баҳолаш хизмати кўрсатиш борасида камда 5 (беш) йиллик стажга эга бўлган лицензияли баҳолаш ташкилотларини танлов асосида таклиф қилади.
Таклифлар 2015 йил 16 апрелга қадар қабул қилинади.
Таклифларни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:
100015, Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси 67-уй.
Телефонлар: (+99871) 120-81-75, 120-82-39.
Факс: (+99871) 120-81-37.

Qishloq Qurilish Bank



Фаровон ҳаётингиз хизматида!

МУАССИС:
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сийёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Исроил ҲАМРОЕВ
Тахрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ
Собир ТУРСУНОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Мамазир ХЎЖАМБЕРДИЕВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-34 (149); Котибият — 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 233-41-89.
Навбатчи муҳаррир — Дилором Матқаримова
Навбатчи — Суяндик Маамиров

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рўхсати билан амалга оширилади.
1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Тахририят манзили: 100043,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани
«Шарқ тоғли» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgazeti.uz / adolat_gazeta@mail.ru
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 роқом билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
1538 2071-5237
1 2 4 5 6